O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

Миллий тиклaниш — миллат келажаги

MILLIY TIKLANISH

2006-yil, 26-iyul, chorshanba, 30 (360)-son.

Gazeta 1995-yil, 10-iyundan chiqa boshlagan

Haftalik gazeta

O'zbekiston "Milliy tiklanish" demokratik partiyasining ijtimoiy, siyosiy, iqtisodiy gazetasi

БУГУНГИ ГУЛИСТОН

Мамлакатимизнинг барча ҳудудлари каби Сирдарё вилояти маркази — Гулистон шаҳри қиёфаси ҳам мустақиллик йилларида бутунлай ўзгарди. Замонавий, жаҳон андозалари талабларига жавоб берадиган турар-жойлар ва бошқа бинолар, стадионлар, йўллар, саноат корхоналари қурилиб, фойдаланишга топширилди. Тўғриси, бундан 5-6 йил илгари шаҳарда бўлмаган киши ҳозир бу ерга келиб танимайди, десак муболаға бўлмайди. Эндиликда, гулистонликлар ўзларининг она шаҳри билан ҳар қанча фахрланса арзийди.

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Марказий кенгаши ва «Миллий тикланиш» газетаси

«МУСТАҚИЛЛИК САОДАТИ — АЁЛ ТАҚДИРИДА»

мавзусидаги ижодий ишлар кўрик-танловини эълон қилади.

Ҳар бир жамиятнинг эркинлиги, фаровонлиги аёлларга бўлган муносабатда ўз ифодасини топади.

Мамлакатимиз мустақилликка эришганига 15 йил тўлган бўлса, ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар, туб янгиланишлар, мисли кўрилмаган ўзгаришлар рўй берганининг гувоҳи бўлмоқдамиз.

Аёл-она — миллат генофондининг яратувчиси, мураббий, соғлом авлод бунёдкори. Бугина эмас, унинг зиммасида фарзандлар камоли, Ватанга меҳр-муҳаббат, унинг тинчлиги, осойишталиги, фаровонлигига беқиёс, бетакрор оналик қалби билан ҳисса қўшишдан иборат. Бугина эмас, у қизларга мураббий, устоз. Оилада рўзғорнинг файз-барокатини таъмин этиш, миллий урф-одатларимиз — қадриятларимизни сақловчи кайвони. Ватан иқтисодиёти, салоҳияти, маънавияти аёлнинг тафаккури, ҳаётдаги ўрни, амалий ишларида намоён бўлади. Бу борада мисоллар албатта, кўп. Шу боис мазкур танлов орқали ёшларимиз, қизларимиз ҳаётининг кўзгуси сифатида ёш авлодни камол топтириш: миллий ғоя, миллий мафкура, Ватанга муҳаббат, миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида тарбиялаш назарда тутилади.

Танловга юборилаётган ишларда бу жараёнлар ўз ифодасини топиши, акс эттирилиши лозим.

ТАНЛОВ ШАРТЛАРИ

Танлов уч йўналишда ўтказилади:
- **Энг яхши мақола**
- **Энг яхши шеър**
- **Энг яхши фотосурат**

Ижодий ишлар 2006 йил 15-августгача қабул қилинади ва уларнинг энг муносиблари "Миллий тикланиш" газетаси саҳифаларида ёритилади.

Танлов ғолиблари 2006 йил 25 август куни аниқланади ва "Миллий тикланиш" газетасида эълон қилинади.

Ижодий танловнинг уч нафар ғолиблари қимматбаҳо эсдалик совғалари билан тақдирланади.

Мурожаат учун телефон:
ЎзМТДП Марказий кенгаши: 144-81-28, 144-83-05
"Миллий тикланиш" газетаси: 136-58-73

СЎНГГИ БУРЧ

Яқинда маҳалламизда истиқомат қиладиган Тўти ая исмли онахон вафот этди. Ёши қарийб юзга яқинлашиб қолган табаррук аянинг тобути қўлма-қўл бўлиб кетди. Одам шунчалик кўп эдики, қабристонгача бўлган икки чақирим масофани таъзияга келганлар пиёда босиб ўтишди.

Оила аъзоларимиз билан аянинг оламдан ўтганлигини эшитиб афсусландик. У кишининг ҳар доим дуо қилиб туришини, ҳаммадан ҳол-аҳвол сўрашини эсладик. Гарчи биз кўп қаватли "дом"да, у киши шундоқ ёнимиздаги ҳовлида яшаса-да, оиламиз аъзолари билан яқин қариндошлардек бўлиб кетганди. Ҳовлисидаги тут ёки бирор мева пишса, албатта, бизга ҳам илинарди. Начора, ўлим ҳақ.

Маҳалламиздагилар онахонни ҳурмат билан ая деб эъзозлашарди. У киши ҳам катта-кичикка самимий муомала қилар, ёнидан саломлашиб ўтсангиз ҳам дуо қиларди. Шу сабабли барча аяни ҳурмат қиларди. Онахоннинг фарзандлари, набиралари ҳам ақлли, турли институтларда таҳсил олишади.

Ўзбек феъли

Улар ҳам одобли, хушмуомала бўлиб, қўнилар ўртасида ҳурмат-эътиборга эга. Оиланинг тўнғич ўғли олий ўқув юртларининг бирида ўқитувчи, бири туман электр тармоқлари идорасида масъул лавозимда ишлайди. Набиралари ҳам ақлли, турли институтларда таҳсил олишади.

Албатта, уларнинг бундай етук инсонлар бўлиб етишишида онахоннинг ҳиссаси катта. Балки, Тўти аянинг дуолари, одамларга қилган яхшиликлари у кишининг маҳалла ўртасида обрў-эътиборга сазовор бўлишига, фарзандларининг ҳаётда ўз йўлини топиб кетишига сабаб бўлгандир. Турмушимиздаги бу оддий воқеа балки халқимизнинг "Олтин олма дуо ол, дуо олтин эмасми?" деган мақоли бежиз айтилмаганлигининг исботидир.

Ҳосил КАРИМОВ.

ФАОЛЛАР ТАШАББУСИ

ЎзМТДП Сирдарё вилоят Мирзаобод туман кенгаши ташаббуси билан туман ҳокимлигининг мажлислар залида партия фаоллари иштирокида «Маҳаллада оила дорилфунуни» мавзуида йиғилиш ўтказилди.

* * *

Партиянинг Қашқадарё вилоят Яккабоғ туман кенгаши ташаббускорлигида «Кенгузар» маҳалла фуқаролар йиғинида «Маънавият инсоннинг камолот мезонидир» мавзуида давра суҳбати ўтказилди.

* * *

ЎзМТДП Наманган вилояти ва Наманган туман кенгаши ташаббуси билан «Кичик қурама» маҳалла фуқаролар йиғинида «Ҳаёли қиз — маҳалла кўрки» кўрик-танлови бўлиб ўтди.

* * *

Навоий вилоят партия кенгашининг биринчи ярим йиллик якунлари бўйича ҳисобот мажлиси бўлиб ўтди.

* * *

ЎзМТДП Жиззах вилояти Зомин туман кенгашида «Ўлмас қадриятлар» мавзуида давра суҳбати ўтказилди.

* * *

Партиянинг Қашқадарё вилоят кенгаши ташаббуси билан С.Насафий номли вилоят кутубхонасида «Мустақиллик олий неъматдир» мавзуида йиғилиш ўтказилди.

* * *

Партиянинг Хоразм вилояти Шовот туман кенгаши ташаббуси билан «Урф-одатлар, тўй тадбирларида ёшлар тарбияси, уларни ҳаётга чиниқтириш» мавзуида тадбир ўтказилди.

* * *

ЎзМТДП Самарқанд вилоят кенгашида «Ватан манфаати улуғ ва муқаддасдир» номли тадбир бўлиб ўтди.

* * *

Андижон вилоят партия кенгашида партияга янги аъзоларни қабул қилиш ва партия билетининг янги нусхасини топшириш тадбири бўлиб ўтди.

* * *

ЎзМТДП Қашқадарё вилоят кенгаши ташаббуси билан Деҳқонобод туманидаги «Оққишлоқ» маҳалла фуқаролар йиғинида «Оила, фарзанд ва мактаб» мавзуида давра суҳбати ўтказилди.

* * *

Сурхондарё вилоят Қизириқ туман Фахриддин уюшмасида партиянинг туман кенгаши ташаббуси билан «Миллий қадриятлар боқийлиги» мавзуида давра суҳбати ўтказилди.

* * *

ЎзМТДП Бухоро вилояти Қоракўл туман кенгаши ташаббуси билан «Ватан, сенсан энг гўзал чаман» мавзуида маҳалла аъзолари билан партия фаоллари учрашуви ўтказилди.

* * *

Партиянинг Сурхондарё вилояти Олтинсой туман кенгаши ташаббуси билан туман Марказий шифохонасида «Шифокорлик — олий масъулият» мавзуида давра суҳбати ўтказилди.

ЎзМТДП Марказий кенгаши матбуот хизмати.

Яқинда телевизорда "Суюнчи" бадиий фильмини намойиш этишди. Айтишим керакки, бу кинони эсимни таниганимдан бери камида йигирма марта кўрдим. Ҳатто, ундаги сўзлар, иборалар ёд бўлиб кетган. Лекин уни шунча кўп томоша қилсам ҳам барибир кўргим келаверади. "Суюнчи"ни ҳар гал кўрганимда ўзимча нималарнидир кашф этаман. Ундаги ўзбеконалик, самимийлик, тўғриси, одамнинг юрагини жунбушга келтиради. Кинодан бир завқланиб кулсангиз, бир меҳрингиз товланиб, кўз ёши қиласиз.

ЯНГИЛАНАЁТГАН КИНО

Ҳа, ўзбек киночилигининг олтин мероси бундай фильмларга бой. "Тоҳир ва Зуҳра", "Ўтган кунлар", "Маҳаллада дув-дув гап", "Келинлар қўзғолони", "Тангалик болалар", "Тўйлар муборак", "Чинор тагидаги дуэль" сингари ўлмас бадиий фильмларимиз борки, улар қанча йиллар ўтса-да, эскирмайди. Балки, янгиданянги қирралари очилаверади.

Гап келганда айтиш керакки, бу фильмларни ўз ишининг устаси, ҳақиқий кино мутахассислари суратга олишган. Улар мухлисларнинг диққатини тортишга, бор тажриба ва маҳоратларини ишга солишга ҳаракат қилишган. Зотан, мана шу унсурларгина кинонинг бадиий қимматини ошириб, томошабин қалбида узоқ сақланиб қолишига замин яратади.

Бугун ўзбек кино санъати анча тараққий этди. Шу кунларда сизу биз кўплаб янгидан-янги фильмларни томоша қилаяпмиз. Аниқроқ айтганда, кун йўқки, бирон бир фильм рекламаси қулоғимизга чалинмаса. "Амир Темур", "Алпомиш", "Кичкина табиб", "Эркак", "Сардор" сингари юзлаб бадиий фильмлар яратилди. Уларда мустақиллик йилларида қўлга киритилган ютуқлар, қайтадан тикланган тарихимиз, халқимизнинг бой оғзаки ижоди акс этган бўлиб, кўплаб кино мунаққид ва ихлосмандаларининг таҳсинига сазовор бўлди. "Эркак" ва "Чашма" фильмлари халқаро кино мутахассислари томонидан юқори баҳоланганлиги бугунги ўзбек киночилигини бир поғона юқори кўтарди.

Ютуқларни-ку, санашдан чарчамайсан киши. Бироқ шундай фильмлар ҳам борки, гоҳида уни кино дейишга истиҳола қиламиз. Тўғриси, бозор иқтисодиёти шароитида бировни танқид

Бугуннинг гапи

қилишга бироз қийналасан. Сабаби, у ҳам ишлаётган фильмидан фойда кўрмоғи, жилла қурса, суратга олиш учун кетган харажатни қопламоғи лозим. Аммо кино ишлаяпман, деб ўлда-жўлда ғояларга берилиб, воқеа кетидан қувиш ҳам ўзини оқламайди. Шундай фильмлар халқимиз эътиборига ҳавола этилдики, улар ўзининг кўплаб хусусияти билан бизни чуқур мулоҳазага ундайди. Аввало, ҳаваскорлик даражасидаги фильмлар кўпайди. Қолаверса, юқорида таъкидлаганимиздек, ўз ишининг усталари ўрнини ҳавасмандлар эгаллади. Бу эса ўз ўрнида кинонинг бачканалашишига, сермазмун фильмлар ўрнида хомлари яралишига олиб келди.

Гапимиз қуруқ бўлмаслиги учун бир мисол. Ўтган йили куз фаслида экран юзини кўрган "Пўшт, арава" бадиий фильмининг композициясига эътибор берадиган бўлсак, унинг бир мунча саёз эканлигига гувоҳ бўлишимиз мумкин. Боиси, ҳар бир асарда тугун, кульминация, ечим, тадрижийлик деган унсурлар бўлиши керак. Уларсиз воқеани бир тизимга солишнинг иложи йўқ. Бироқ, "Пўшт, арава" ижодкорлари томошабинни Худойберди Тўхтабоевнинг "Сариқ девни миниб" асаридаги Ҳошимжон сингари "туроқ", "вазн" бозорини қидиришга мажбур қилган. Бундай дейишимизга сабаб, аввалига бир томонда ривожланган воқеага параллел равишда иккинчи воқеа юради. Ваҳоланки, бу икки воқеанинг бир-бирига унчалик алоқаси йўқ. Томошабинни қулдириш учун тизимсиз элементлардан фойдаланишнинг ҳам ҳожати йўқ. Шундай қилиш керакки, мухлис бутун кинодан завқланиб юрсин.

Бундан ташқари, киномизга "янги" кириб келган бачканалик шу кинода ҳам бор. Эътибор қилинг-а! Онадан сўрашаяпти:

— Ўғилларингиз бир-бирига ўхшар экан.

(Давоми 2-бетда)

СЎЗИМИЗ ВА ИШИМИЗ БИР БЎЛСИН

Ҳар бир партиянинг халқ орасидаги ўрни унинг жойлардаги ташкилотларининг иши билан белгиланади. Бугун партиядошларимизнинг аҳоли ўртасидаги фаоллиги қай даражада? Вилоят кенгашларида қандай иш олиб борилмоқда? ЎзМТДП Наманган вилоят кенгаши раиси Пахритдин ШАРИПОВ билан ана шулар ҳақида суҳбатлашдик.

— ЎзМТДП Наманган вилоят кенгашида партия электорати билан ишлашнинг қандай усуллари қўлланилмоқда?

— Энг аввало, одамларнинг ичига кириб боришимиз, уларнинг муаммолари, ташвишларини ўз ташвиш ва муаммоларимиздек қабул қилишимиз, уларни ҳал қилиш чораларини кўришимиз керак. Хуллас, халқдан ажралиб қолмаслигимиз зарур. Партия электоратининг сиёсий, маънавий, ҳуқуқий саводхонлигини, ижтимоий фаоллигини ошириш, бой тарихий меросимиз, миллий қадрият ва удумларимизни асраб-авайлаш, тарғиб қилиш, элюрт ободлиги ва халқ фаровонлигини таъминлаш сингари олдимизда турган ҳамда амалга оширилиши зарур бўлган вазифалар бор. Бугунги кунда вилоят, туман партия кенгашлари томонидан юқоридаги вазифаларни амалга оширишда жойларда маданий-маърифий тадбирлар, давра суҳбатлари, очиқ мулоқотлар, илмий-амалий анжуманлар, семинарлар, турли хайрия тадбирлари ўтказиш яхши самаралар бермоқда.

— «Ҳомийлар ва шифокорлар йили»да партиянинг вилоят кенгаши томонидан амалга оширилаётган ишлар ҳамда келгусидаги режаларингиз ҳақида тўхталсангиз.

— Вилоят кенгашимиз томонидан махсус тадбирлар дастури ишлаб чиқилди. Унга асосан, ижтимоий-иқтисодий ҳаётни янада яхшилаш, аҳолининг кам таъминланган, ёрдамга муҳтож қатламини ижтимоий ҳимоя қилиш юзасидан бир қатор ишлар амалга оширилди. Маҳалла фуқаролар йиғинлари, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари, умумтаълим мактаблари, корхона ва ташкилотларда турли мавзуларда жорий йилнинг ўтган даврида юздан ортиқ учрашувлар, давра суҳбатлари ўтказилди.

Партия ҳаёти

Шунингдек, вилоят партия кенгаши қошида ташкил этилган «Аёллар қаноти» ташаббуси билан қишлоқ, маҳалла фуқаролар йиғинларида хотин-қизлар қўмиталари билан ҳамкорликда аёллар ўртасида теннис бўйича вилоят турнири ўтказилди, ғолиблар учун 500 минг сўмлик эсдалик совғалари ажратилди. Вилоятда ўтказиладиган ободончилик ва кўкаламзорлаштириш ишларида ҳам партиямиз аъзолари фаол иштирок этиб келмоқда. Жорий йилда ўтказилган оммавий ҳашарга 8000 нафарга яқин партиямиз аъзолари жалб қилинди.

Наманган шаҳридаги «Қизил кўприк», «Атанган гузар», «Дўстлик», «Меҳнатобод» маҳалла фуқаролар йиғинлари идоралари ва маҳаллаларда ташкил этилган милиция таянч пунктларини таъмирлаш учун 600 минг сўмлик қурилиш материаллари олиб берилди.

(Давоми 2-бетда)

СЎЗИМИЗ ВА ИШИМИЗ БИР БЎЛСИН

(Боши 1-бетда)

Шаҳардаги «1-Ором-гоҳ» даҳасида санитария-экология ҳолатини яхшилаш мақсадида махсус чиқиндихона барпо этиш учун 500 минг сўмдан ортиқ моддий ёрдам кўрсатилди. Байрамларда ёлғиз, ногирон қарияларнинг аҳволидан хабар олиб, уларга озиқ-овқат маҳсулотлари берилди.

Шу йил май ойида вилоят партия кенгаши томонидан «Спорт — соғломлаштириш» ойлиги ўтказилди. Тадбиркор партия аъзоларини жалб қилган ҳолда Наманган шаҳар «Атанган гузар» маҳалласида яшовчи 15 нафар ногирон болаларга кийим-кечак, озиқ-овқат маҳсулотлари берилди. «Ҳомийлар ва шифокорлар йили»да вилоятда ҳомийлик ва саховатпешалик ишларини ўтказиш, энг яхши анъаналаримиздан бири бўлган оммавий ҳашарлар уюштириш ва аҳолини соғломлаштириш ишларига катта эътибор қаратиб келинмоқда. Келгусидаги режаларимизга келсак, энг аввало, аҳолининг, шунингдек, партиямиз аъзоларининг сиёсий, маънавий, ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, бой тарихий-маданий меросимиз, миллий қадрият ва удумларимизни асраб-авайлаш, тарғиб қилиш, партиямиз нуфузини янада юқори поғоналарга кўтаришни асосий мақсадимиз деб биламиз.

— Ҳар бир партиянинг жамиятдаги ўрни унинг аъзолари сафининг кенглиги билан ҳам белгиланади. Партиянинг халқ орасидаги мавқеини ошириш борасида яна қандай ишларни амалга ошириш зарур деб ҳисоблайсиз?

— Назаримда, энг аввало, сўз ва иш бирлигига эришмоқ керак. Қайси раҳбар ёки масъул ходим ўзининг сўзига амал қилмаса, гапираётган гапи қилаётган ишига мос тушмаса ёки режалари қоғозда қолиб, юзаки иш бажарса, фақат бундай раҳбарнинг эмас, балки у бошчилик қилаётган ташкилотнинг ҳам обрўси тушиб кетиши аниқ.

Амалга ошираётган ишларимиз, ўтказаётган тадбирларимизда изчиллик ва мунтазамликни таъминлашимиз даркор. Тараққиёт йўлимизда дуч келаётган айрим тўсиқ ва муаммолар, етишмовчиликлар, йўл қўйилаётган хато ва нуқсонлар ҳақида ошкора гапиришимиз, бу тўғрида одамларга ҳаққоний ва холис ахборот етказишимиз зарур. Бундан ташқари, Президент фармонлари ва қарорларини аҳолига етказишда кенг тушунтириш ишларини олиб бориш ҳам бизнинг бурчимиз бўлмоғи керак.

Энг муҳими, ҳамиша одамлар орасида бўлишга интилиш, уларнинг ўй-хаёллари, талаб ва истаклари билан қизиқишдир. Шу маънода прокуратура, ички ишлар бошқармаси, «Маҳалла» жамғармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят бўлимлари, халқ таълими бошқармаси билан ҳамкорликда ўқувчи ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш, ҳуқуқий маданиятни оширишга қаратилган қўшма тадбирлар дастури қабул қилинди. Вилоят партия кенгаши томонидан ўқувчи ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини шакллантириш, уларни ўз-ўзини бошқаришга ўргатиш мақсадида «Ҳуқуқий ресурс маркази» ташкил этилди. Бу ишларни амалга оширишда фаол, тадбиркор партия аъзолари, бизнинг хайрихоҳларимиз, депутатларимизнинг ҳам ҳиссалари катта бўлмоқда.

— Сизнингча, маҳаллий кенгашларга партиядан сайланган депутатлар ўз зиммаларидаги вазифаларни қандай бажараяпти?

— Ўзбекистон «Миллий тикланиш»демократик партиясидан халқ депутатлари вилоят кенгашига сайланган депутатлар фаолиятини такомиллаштириш ва маҳаллий давлат ҳокимияти ваколлик органларида партия сиёсатини уюшқоқлик билан ўтказиш мақсадида ўтган йилнинг сентябрь ойида вилоят кенгашида депутатлар гуруҳи тузилганди. Вилоят, туман кенгашларига сайланган ҳар бир депутат фуқароларни қабул қилиш кунларини қайта кўриб чиқиб, уларнинг талаб ва истаклари асосида, кўпчилик учун қулай бўлган вақтларда белгилашди. Маҳаллий ҳокимликларнинг масъул ходимлари бошчилигида барча вилоят депутатлари, сиёсий партиялар раҳбарлари ва вакиллари бир қатор маҳалла фуқаролар йиғинларида бўлишди. Учрашув давомида депутатларимизнинг маҳаллалар, мактаблар ва аҳоли ўртасида олиб борган ишларига ижобий баҳо берилди. Албатта, биз ҳар бир ишда депутатларимизнинг фаоллигига, ташаббускорлигига суянамиз.

Суҳбатдош: Насиба ОЧИЛОВА.

ҚОВУН ҚОВУНДАН РАНГ ОЛМАЯПТИМИ?

— Қизларимизнинг кийимлари шу даражада очиқ-сочиқ бўлиб кетдики, ёнингда турган одамга хижолат тортаётганингни айтгани уяласан киши.

— Бу алламбало кийимларни тикаётган чеварлар ҳам матосидан уриб қоляпти шекилли. Бир кийимлик материалдан иккита қизга кўйлак кийдирса бўларкану шу пайтгача биз билмай юрган эканмиз.

Яқинда метрода ана шундай суҳбатнинг гувоҳи бўлдим. Бу мавзуда кўп ёзилган, кўп гапирилган. Ҳар йили баҳор ўтиб ёз келди дегунча одамлар яна шу мавзуга тўхталишади. Қиз-жувонларимизнинг эгнидаги ғалати-ғалати кийимлар ҳақида гап борганда уларни нима деб оқлашни ҳам билмайсан киши. Ҳаддингиз сиғиб бирортасига бир нарса деб кўринг, балога қоласиз. Пойтахтимиз кўчаларида, айниқса, метро, автобус, трамвай, троллейбус сингари жамоат транспортида юрсангиз, этаги тиззасига етмайдиган, қийқим-қийқим юбкалар, елкаси очиқ, енги йўқ, бичими тор кўйлаклару кийган одамнинг киндиги кўриниб турадиган кийимларни кўриб тавба, деб қўясиз. Айниқса, кекса ёшдагиларга бу ҳолат ғалати кўринади.

Қизлар аввалига шим кийишга ўтишди. Кейин кўпчилиги шимларини ҳам тиззасигача кесиб ташлашди. Айрим ёши бир жойга бориб қолган ўзбек аёллари ҳам шим кийиб юришдан сира хижолат тортмай қўйишди. Аввалари қизларимиз бўй-бастини бегона кўздан пана қилиб турадиган либосларни танлашарди. Кейинги пайтда бунинг акси бўлиб қолди. Кийим-кечаклар савдоси билан шуғулланадиган дўконлар, бозорларни бир айланиб кўринг. Туппа-тузук бир кийим топиш амри маҳол. Баъзи кийимларни кўриб, ҳайратдан ёқа ушлайсиз. Яқинда бир танишим шундай деб қолди: «Дам олиш куни бозорга тушгандим, ишга киядиган бирорта кийим олай, деб. Бозорни айланиб-айланиб чарчадим. Дидимга мос кўйлакларнинг бири капалак енг, бирининг этаги жуда бачкана. Оларверай, десам, дадасига ёқмайди...». Кўчакўйда ғалатироқ кийинган қиз-жувонларни кўрса, инсофни ўзига берсин, деб қўяди бувижонларимиз.

Ажабо

Қизларимиз жуда ажойиб, оналарини ўзлари томонга оғдириб олишади. Отасидан, акасидан яшириб калта юбка, шим кийишади. Бу йил чекка қишлоқдан келиб талаба бўлган абитуриентни янаги йил баҳорда кўриб, танимайсиз. Майлида, бу ўзгаришларнинг нимаси ёмон, дерсиз?! Ахир, талабалргаям осон эмас-да, шаҳарда юришга замонавийроқ уст-бош керак, қишлоққа боришга алоҳида, маънилироқ кийим олиши керак...

Курсдошлари билан тушган расмларини беркитадиган қизларни ҳам кўрганмиз. Аслида шаҳарга ўқишга келмаганмиди, бир йил ўтмай, бошида шунча ташвиш. Ҳали сочиниям кестириши керак... Атрофдагиларга қараб «ўзгариш» бечора талабага анча қимматга тушади.

Ўтган асрда шоир Муҳаммад Юсуф:

«Фарҳодлар видеога мўлтираб ўсар,
Ширинлар бир-бирин сочини кесар.
Шудгорни ким кечар,
Дарёни ким тўсар...

Йигирманчи аср, бу қандай гап, ахир?» деб хавотир ичида ёзган бўлса, XXI аср одамлари бу нарсалардан хавотирланмай ҳам қўйишди. Кўз ўнгимизда миллий анъаналаримизнинг тараққиёт қўриши мумкин эмас» деган ёзувлар бўларди. Ҳозир катта-кичикнинг кўзи бирдай экранга термулади. Энг ёмони, экрандаги бепарда манзараларга ёшларимизнинг кўзи ўрганиб қолди. Асримиз одамлари «яланғоч» (жуда хунук сўз-а!)ликлардан хавотирланмай қўйишди. Минг афсуски, бугун бу сўзнинг нафаси кийимларимизга, ёшларимиз берилиб жўр бўлаётган қўшиклар оҳангига, бора-бора катта-кичикнинг хаёлини ўғирлайдиган киноэкранларга ҳам етиб улгурди.

Овози йўқ қўшиқчиларнинг айбини яширадиган бир нарса бор. Унинг отини замонавий тилда "клип" дейишади. Ҳали мактабга чиқмаган болалар ана шундай қўшиқларга жўр бўлишяпти. Хонандаларга тақлид қилиб кийинишни "шараф" деб биладиганлар сон-саноқсиз. Яхши томондан тақлид бўлсаку-я, тушуниш мумкин, аммо...

Катта-катта санъат саройларида ўтказилаётган концерт дастурларига ҳам темир қути — телевизор бор, ҳамма бало мана шу матоҳда, десак, фикримизга қарши чиқадиганлар кўп топилади. Телевизорни «дилбузар» деб атарди отам раҳматли нимагадир. Гаплари тўғри экан. Болалигимизда телевизорда мультфильм кўришдан катта қувонч йўқ эди биз учун. Бугуннинг болалари умуман бошқача. Агар бирорта телесериалми, клипли, қўшиқми бўлаётган бўлса, ёш болалар шуни кўраман, деб жанжал қилишади. Болалигингизни бир эсланг, авваллари «Ўн олти ёшдан кичкиналар арабча рақслар "зеб" бўлиб қолди. Қўшиқчилар кийимларини "реклама" қилгани чиқишади саҳнага. Аёл хонандалар-ку, майли, йигитларимизга нима бўлди? 5-6 та қизнинг ўртасига тушиб олиб ғалати рақслар билан қўшиқ айтишларини қандай тушуниш мумкин?! Бир қўшиқнинг орасида икки-уч мартадан кийим алмаштиришади, ёнидаги қизларнинг кийинишини, бачкана ҳаркатларини(уларни рақс деб бўлмайди)ку гапирмасак ҳам ўзингиз кўргансиз. Шуларниям отаонаси бормикин, деб қўяди бир дугонам. Энг ғалатиси, жиянчангиз ўшаларга тақлид қилиб рақсга тушади, уларга ўхшаб кийингиси келади, реп қўшиқлар айтадими-ей. Ҳали тили чиқиб улгурмаган фарзандингиз ҳам ана шундай "томоша"ларни тап тортмай кўрадиган бўлиб қолди.

Бизга нима бўляпти ўзи? Кимга ўхшаб, қаёққа қараб кетяпмиз?! Бора-бора кийимни кўз-кўз қилиш "мода"га айланди, бу нарсалардан таажжубга тушсангиз, "нима, осмондан тушганмисиз?" дейди ярим ёшингизни яшамаган шоввозлар. Тараққиётга қул бўлган замоннинг одамлари балки шунақа бўлар, деб қўясиз бошқа нима дейишингизни билмай. Халқимизда қовун қовунни кўриб ранг олади, деган гап бор. Кундан-кунга болалаб бораётган бу иллатларнинг давосини бугун-эрта топмасак, эртага кеч бўлиб қолмасмикин?

Гули ОЛИМОВА.

Сафдошларимиз ибрати

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси зиёлилар партияси дея эътироф этилади. Сафларимизда зиёли, серғайрат, ташаббускор, фидойи инсонларнинг борлиги қувончли, албатта. Шундай сафдошларимиздан бири Хурсан Бегимқуловдир.

Хурсан Бегимқулов Термиз Давлат педагогика олийгоҳининг тарих ва хорижий тиллар факультетини немис тили ихтисослиги бўйича тугатгач, меҳнат фаолиятини 1981 йилда Музработ туман халқ таълими бўлимига қарашли 14-умумтаълим мактабида ўқитувчиликдан бошлади. 1986-99 йиллар давомида директорнинг ўқув ишлари бўйича ўринбосари, мактаб директори, туман халқ таълими бўлимининг хорижий тиллар услубчиси лавозимларида сидқидилдан фаолият кўрсатди. Халқ таълими аълочиси Хурсан Бегимқулов 1999 йилдан ҳозирги кунгача вилоят таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси кенгашининг Музработ туман вакили сифатида хизмат қилиб келмоқда.

Хурсан ака ЎзМТДПга ғарчи жорий йилда аъзо бўлган бўлса-да, қисқа вақт ичида ижодкорлиги, изланувчанлиги, дадиллиги ва меҳнатсеварлиги билан ўзини намоён қила олди. Ўз фаолияти давомида таълим тизими ходимларини ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий томондан қўллаб-қувватлаш, уларнинг фарзандларини оромгоҳтиш, соғлиқни сақлаш масканларига юбориш учун йўлланмалар ташкил қилишда ўрнак кўрсатмоқда. Миллий тикланиш мафкураси, аввало, оиладан бошланишини чуқур тушунган ҳолда, байрам-ҳайит кунларида кам таъминланган оилалар, боқувчисини йўқотган, ногирон, кўнгли ярим инсонлардан хабар олиб, имкон даражасида уларга моддий ва маънавий кўмак кўрсатаётир.

Партия ҳаёти

Юртимиз келажаги йўлида озми-кўпми ўз ҳиссасини қўшаётган, меҳр нури, қалб қўри билан кўнгилларни обод этаётган Хурсан ака каби дилкаш инсонларнинг борлиги, уларнинг кўрсатаётган ибрати барча ҳаммаслакларни янада ғайрат билан ишлашга ундайди.

Унинг нафақат иш фаолияти, оилавий ҳаёти ҳам атрофидагилар учун ўрнакдир. Уч ўғил уч қизни эл корига ярайдиган фарзандлар қилиб тарбиялаган, тўрт набиранинг бобоси Хурсан акага ҳамиша шундай бардамлик ёр бўлсин.

Б.РАҲМОНОВ, ЎзМТДП Музработ туман кенгаши раиси.

Илгарилари турмушга чиқаётган қизни уйидан топиб бўлмасди. Тўй куни белгиландими тамом, у бирор қариндошиникига кетиб қоларди. Сабаби, маҳалла-кўйдан, ака-укаларидан, айниқса, отасининг кўзига кўринишдан уяларди-да.

Тўйдан бир кун аввал "қиз базми" ўтказилиб, унда фақат аёллар иштирок этарди. Момоларимиз доирани қиздириб, қўшиқлар айтар, қизлар бўлса рақсга тушарди. Мушоиралар авжига чиқиб, даврадаги жуда файзли ўтарди. Қодирий бобомиз Кумушбибининг "қиз базми"га гуллар, лолалар, тўтилар, қумрилар мажлиси деб таъриф бергани ҳам бежиз эмас.

ТЎЙ — ЎЙ

Энди бўлса "қиз базм"лари фақат номигина сақланиб қолган. Бугунги «қиз базм»ларнинг айримлари тўйларимиздан-да, дабдабали ўтмоқда. Агар аҳвол шундай давом этадиган бўлса, уларни бошқача ном билан аташ вақти ҳам келди. Чунки унда нафақат қизлар, балки келин бўлмишнинг таниш йигитлари ҳам иштирок этишади.

"Қиз базми"нинг бошланишида келин миллий кийимда, яъни чўғдай ёниб турган хонатласда ташриф буюради. Хурсанд бўлишга ошиқмайлик, ҳаммаси энди бошланаяпти. Кейин кийиниш навбати европа модаси бўйича давом этади. Келин ҳар хил русумда тикилган йигирмага яқин кийим кийиб, ўзини кўз-кўз қилади. Агар сиз бу ерга билмасдан ташриф буюриб қолган бўлсангиз, модалар намойишида иштирок этаяпман дейишингиз аниқ. Ҳаммасидан қизиғи, шу кийимларда келин даврада солланиб-солланиб дугоналари билан рақсга тушади. Қанча ёт нигоҳлар унга суқланиб боқади. Ўша даврада ака-укалар ҳам бўлишади, ҳатто куёв томонидан ташриф буюрган меҳмонлар ҳам бу томошалардан баҳра олишади.

Долзарб мавзу

Дугонасининг "қиз базми"да машҳур хонандалардан бири билан суратга тушган келинни биламан. Куёв бола рашк қилгани учун орада жанжал чиқди, оқибатда ўша оила ажралишгача борди. Орадан кўп вақт ўтмай бу оилага янги келин тушди. Бошқа ҳаётий мисоллар ҳам кўп. Тўйларда йигитларнинг ичиб олиб жанжал чиқариши ҳам хонадон эгаси учун ортиқча машмаша эмасми? Қолаверса, тўйларимиз ихчам, камхарж ўтса ҳар икки томон учун ҳам фойдали-ку!

Тўғри, айрим юртдошларимиз тадбиркорлик билан шуғулланиб, катта даромад олишмоқда. Улар бир неча қаватли уй қуриб, иномаркаларда юришади. Биз бундайларга фақат қандини урсин, деймиз, холос. Лекин шунча пул топган, ақлли, фаросатли одам тўй қилишда ҳам, маърака ўтказишда ҳам дабдабабозликка берилмаслиги, кўпчиликдан ажралиб қолмаслиги керак. Аслида шундай фуқароларимиз тадбиркорлик соҳаси каби турмушда ҳам одамларга ўрнак кўрсатиши лозим.

Ҳукуматимиз томонидан тўй-ҳашамлар, оммавий тантаналар, маърака ва маросимларда ортиқча истофгарчиликларнинг олдини олиш, уларни меъёрида ўтказиш тўғрисида бир қатор муҳим ҳужжатлар қабул қилинган. Хусусан, Президентимизнинг 1998 йил 28 октябрда шу тўғрисида имзо чеккан Фармони ҳам фикримизнинг далилидир. Албатта, бундай чора-тадбирлар ўз натижаларини берди. Аммо афсуски, баъзи юртдошларимиз ҳалиҳануз тўғри хулоса чиқариб ололгани йўқ.

Шу ўринда бир қизиқ воқеа ёдимга тушди. Момомни келин қилиб бобом қўқон аравада олиб келган экан. Азбаройи янгалар ёр-ёр айтишга берилиб кетишганидан момомнинг ўнқир-чўнқир йўлларда аравадан тушиб қолганини ҳеч ким пайқамай қолибди. Янгалар тўйхонага етганларидан сўнг қарашса, келин йўқ эмиш. Бир зумда ҳамма ваҳимага тушибди. Бобом от чоптириб келиннинг уйи томон жўнабди. Не кўз билан кўрсинки, момом сўқмоқ йўл бўйида йиғлаб ўтирган экан. Ҳа, ибо, ҳаё борасида момоларимизга етадигани бўлмаган, ҳаттоки тўйи бўлаётган келин йўлда қолиб кетса ҳам мен аравадан тушиб қолдим, деб айта олмаган.

Сўзимизнинг охирида яна Кумушбибини ёдга олсак. Унинг нимаси бизни бунчалар ром этган? Нега Қодирий бобомизнинг ўзи ҳам асар сўнгида Кумушни ўлдириб қўйдим, деб йиғлаган? Балки, барига биргина сўзнинг ўзи жавоб бўла олар. Аслида биз Кумушбибида ўзлигимизни кўрамиз. Ҳар гал шу асарга мурожаат қилсак, йўқотган нарсамизни топгандек бўлаверамиз. Миллий руҳни сақлаб қолиш учун аввало асрий урф-одатларимизни қадрлашни ўрганайлик. Дабдабали тўйларга кетаётган сарф-харажатларни ёшларимизнинг келажаги учун ишлатсак, рўзғоримизнинг камини тўлдирсак бўлмасмикин? Ким ўзарга тўй қиламан деб қарз-қавола қилаётганлар озми? Бу иллатлардан қачон қутуламиз? Дўппини олиб қўйиб, жиддий ўйлаб кўрадиган пайт келмадимикан?

М.РАҲМАТОВ.

ЯНГИЛАНАЁТГАН КИНО

(Боши 1-бетда)

— Ҳа, иккаласиям аҳмоқ.

Буни изоҳлашнинг ҳожати йўқ. Онанинг кўчадан келган одамга бундай гапириши кишини ишонтирмайди, албатта. "Пўшт, арава"даги яна бир жиҳат. Унда миллий қадриятларимизга зид шундай ўринлар борки, гапиришга тилинг бормайди. "Онам ёшлигида кетворган жувон бўлган. Сонлари... Кўкраклари..." Бу масаланинг бир томони. Ишланаётган киноларнинг кўпчилигида ишончлилик даражаси паст. Яъни айрим воқеаҳодисалар мантиққа асосланмаган. Хусусан, "Ромео ва Жульетта ёхуд лаънатланган севги" бадиий фильмида ўз жонига қасд қилган Жамила(фильм қаҳрамони) дўхтурхонага тушади. Қизиқ. Ўз жонига қасд қилган беморнинг хонасида пичоқ туриши мумкинми? Яна, ўша пичоқ билан ўзини ўлдирса-чи? Шекспирдан илҳомланган сценарий муаллифлари воқеани тезроқ тугатишга ошиқишади. Равшан(фильм қаҳрамони) қотиллик қилгани учун шаҳардан қочган. Севгилисининг касалхонага тушганлигини эшитиб, пойтахтга қайтади. Ҳаммаёқда суратлари ёпиштирилган, у қидирувда. Кундузи шаҳарни айланади, онасини пинҳона кўриб келади. Лекин кечқурун (эътибор қилинг) кўчада кетаётса, бирдан "тўхта" деган милиция ходимининг овози эшитилади. Осмондан тушган милиция ходими уни қува бошлайди. Етолмагач, тўппончадан "мен унинг оёғидан кўзлайман" дейди-ю, ўт очади. Оёққа отилган ўқ биқинга теккан. Жароҳатланган қаҳрамонни иккита милиция ходими тополмайди. Равшан эса тик турганча касалхонага кириб келади. Эшиклар очиқ. Ҳеч ким йўқ. У севгилиси ётган хонага киради ва ўлади.

Бу биргина воқеанинг кетма-кет тафсилоти. Энди ўзингиз айтинг. Бундай ишониш қийин бўлган, тағин мантиқдан узоқ кинони қандай санъат асари дейиш мумкин?

Яна бир мулоҳаза. Кинотеатрларимизни асосан ёшлар билан тўлдираётган бадиий фильмларимизнинг аксариятида эстрадамиздаги таниқли хонандалар бош ролларни ижро этган. Баъзилари, тўғрисини айтиш керак, қойилатиб ўйнолгани йўқ. Ахир, улар актёр эмас, қўшиқчи. Озми-кўпми бу икки соҳани айри тутувчи жиҳатлар талайгина. Гап айланиб киномизнинг ривожланишига тақалар экан, бу соҳада умрбоқий санъат дурдоналари яралишига тарафдормиз. Юқорида айтилганидек, бугунги ўзбек киночилигининг довруғини оламга ёяётган асарлар яратиляпти, лекин кино санъатининг қадрини тушираётган фильмлар ҳам бор. Мана шу ҳолат ўйлантиради кишини.

Қобил ХИДИРОВ.

● *Маънавиятимиз сарчашмалари*

ХОЖАИ ОМОН

Ургут тумани Самарқанд вилоятининг файзли гўшаларидан бири. У ердаги кўплаб тарихий обидалар мозийнинг нурли лаҳзаларини ёдимизга солади. Ургут шаҳрининг «Торинжак» маҳалласи ҳудудидаги «Хожаи омон» мақбараси ҳам табаррук зиёратгоҳлардан биридир. Кўпни кўрган отахонларнинг айтишича, қабр соҳибининг исми Шайх Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ёки Муҳаммад Фазл экан. У асли Балх шаҳридан бўлиб, ғанимлари томонидан юртидан қувғин қилинган ва ниҳоят, Ургутдан паноҳ топган. Аммо душманлари у кишини Ургутда ҳам таъқиб этишган, шунда у зот бир ҳайбатли пастқамликка ўзини ташлаб, кўздан ғойиб бўлган. Шу ривоятга кўра, маҳаллий аҳоли унга «Хожаи омон» лақабини берган. Мана, неча йиллардан бери унинг қабри табаррук зиёратгоҳлардан бири сифатида халқ эъзозида бўлиб келмоқда.

Хўш, Хожаи омон асли ким бўлган? Қайси даврда яшаб ўтган? Унинг ҳаёти ва фаолияти тўғрисида тарихий маълумотларни топиш мумкинми? Тошкентда таълим олаётган ургутлик толиби илм Баҳриддин қори Раҳимов билан мана шу мавзуда суҳбатлашиб қолдик, унинг илтимоси билан Хожаи омон тўғрисидаги маълумотларни излаб топишга аҳд қилдик. Муҳаммад ёхуд Абдуллоҳ исмлари билан аталган машҳур зотлар тарихда кўп ўтган. Тазкира ва маноқибларда, жумладан, Фаридуддин Атторнинг «Тазкират-ул авлиё» китобида Шайх Абу Абдуллоҳ Муҳаммад Фазл, Алишер Навоийнинг «Насойим-ул муҳаббат» асарида эса Муҳаммад бинни Фазл исмлари учрайди. Абу Тоҳирхожа ўзининг «Самария» асарида Самарқанд туманларида сақланиб қолган мозорлар тўғрисида маълумот берар экан, шундай ёзади: «Хожаи Амоннинг файзосор мозори ҳам Ургут кентининг бир маҳалласидадир. У бурунги замон валиларидан».

Алишер Навоий бир ўринда: «Муҳаммад бинни Фазл (қ.с.) иккинчи табақадиндур. Кунияти Абу Абдуллоҳ Балхиюл асл. Мутаассиблар ани Балхдин чиқардилар, бегуноҳ, мазҳаб жиҳатидан. Абу Усмон Ҳирий анга битибдурки (мактуб), «Шақоват (бадбахт киши) аломати недур?» Ул битибдурки, «Уч нимарсадур — бири улки, кишига илм бергайлару амал тавфиқи бермагайлар ва (иккинчи) амал бергайлару, ул амалда ихлосдин маҳрум қилғойлар. Ва (учинчи) Ҳақ субҳонаҳу ва Таоло дўстлари суҳбатин топқаю, икром ва эҳтиром тариқин бажо келтурмағай». Демак, бу зот Абу Усмон Ҳирий билан замондош, ҳамфикр, ҳаммаслак бўлиб чиқмоқда. Навоий ёзганидек, Абу Усмон Ҳирий ҳижрий 298 (милодий 911) йилда дунёдан ўтган. У шайх Шоҳ Шужоънинг шогирди бўлган.

Энди Навоийнинг яна бир маълумотига эътибор берайлик: «Али бинни Бундор бинни Ҳусайн Сўфий Сайрафий (қ.с.) машойих дийдорларидан баҳраманд ва суҳбатларидан аржуманд эмиш. Нишобурда Абу Усмон Ҳирий ва Самарқандда Муҳаммад Фазл Балхий била суҳбат тутубдур».

Келтирилган маълумотлар Ургутда хоки туроби сақланаётган шайх Абу Абдуллоҳ Муҳаммад Фазл эканлигини ва у IX асрнинг иккинчи ярми, X асрнинг биринчи чорагида Балх ва Самарқандда яшаб ўтган мутасаввиф аллома эканлигини исботламоқда. Муҳаммад Сиддиқ Рушдий қаламига мансуб «Тазкират-ул авлиёи туркий» асарининг 56-зикрида Абу Абдуллоҳ Муҳаммад Фазл (р.а.) тўғрисида қуйидаги таърифлар берилган: «... ул гулистони ишқу ақл Абу Абдуллоҳ Муҳаммад Фазл Хуросон машойихларининг улуғларидан эрди. Саховат ва жавонмардликда ҳам тенги йўқ эрди. Ва Шайх Термизийни кўрган, Аҳмад Хидравайҳнинг муриди эрди. Ва Абу Усмон Ҳирийга кўп мойил эрди. Ва Шайх Муҳаммад Фазл Балх халқидин тўла жафолар тортқон эрди ва Балхдан қувғилаб чиқардилар. Ул вақтда Муҳаммад Фазл дедиким: «Худовандо, бу халқдин сидқни ва ростлиғни олғил». Андин кейин Балхдин сидқ аҳли чиқмади».

Муҳаммад Фазл ҳазратлари ўз даврида худди Ҳаким Термизий каби мутаассиб зоҳид ва тордил тасаввуф мункирларидан азият чеккан ва Амударёнинг шимолий қирғоғига ўтиб, Самарқанд вилоятининг Ургут кентида мусофир бўлиб яшаган. Бу ерда ҳам мутаассиблар зуғумидан жафо тортиб, яширинишга мувaффақ бўлган. (Яна бир мулоҳаза шуки, Шайхнинг пастқамликка яширинib душманлардан омон қолиши Ургутда эмас, балки Балх атрофида рўй берган бўлиши мумкин). Ҳар ҳолда у киши Ургутда ўз мухлисларига эга бўлиб, бир неча йиллар давомида истиқомат қилган. Бало-қазолардан эмин бўлиб, ўз ажали билан дунёдан рихлат қилган. Шу сабабли халқ уни «Хожаи омон», яъни соғ-саломат Худонинг паноҳида яшаб, саодатли умр кечириб, ҳаёт билан видолашган авлиё сифатида эслаб келади.

Рушдий тазкирасида Муҳаммад Фазлнинг доно фикрларидан бир неча намуналар келтирилган. Уларнинг бири бугунги кун учун ҳам бениҳоя муҳим ва ардоқлидир. У деган экан: «Киши тўрт нарса билан исломдан чиқар: бири улдурки, ҳар неким билиб эрди, анга амал қилмас, иккинчи улдурки, билмаганига амал қилур, учинчи улдурки, билмаганини изламас, тўртинчи улдирки, билай ва ўрганай деган халқни манъ қилур, яъни, ўзи билмас, ўзгани билгани қўймас.»

Мустақиллигимизнинг 15 йиллик тўйи арафасида республикамизнинг барча гўшаларида қурилиш ва ободонлаштириш ишлари олиб борилмоқда. Жумладан, Ургутда ҳам Хожаи омон — Абу Абдуллоҳ Муҳаммад Фазлнинг мақбараси қайта таъмирланиб, теварак-атрофи кўркамлаштирилмоқда. Мақбара ва унинг яқинида қурилган Жоме масжидини таъмирлашда шу маҳаллалик ўқитувчи, бугунги кунда марҳум, Сайфиддин Баҳриев ҳомийлик қилган эди. Бугун унинг савобли ишини ўғли охирига етказиш учун жонбозлик кўрсатмоқда.

Муҳаммад Ҳаким ат-Термизий, Маҳмуд Қошғарий, Хожа Баҳоуддин Нақшбанд, Боборахим Машраб каби азиз-авлиёларимиз қаторида бугун Шайх Муҳаммад Фазл ҳазратлари ҳам халқимиз ёдида. Бугун унинг руҳи шод, табаррук сўзлари омон.

Икромиддин ОСТОНАҚУЛОВ,
Тошкент Ислом университети доценти.



МУАЛЛИМ БЎЛИШ ОСОНМИ?

Таълим

Муаллим. Бу оддий сўз замирида қанчадан-қанча маъно бор.

Муаллим... Кимнинг муаллими бўлмаган дейсиз? Алишер Навоийними? Мирзо Бобурними? Абдулла Қодирийними ёки Абдулла Ориповними? Уларнинг қайси бири муаллимсиз камолга етган?

Халқимизда «Устоз отангдек улуғ» деган мақол бор. Албатта, бу ҳикмат бежиз айтилмаган. Чунки, устоз, албатта, том маънодаги устоз умрини, юрак ҳароратини, кўз нурини, бутун борлиғини ўз шогирдларига бағишлайди.

Автобусда Тошкентгача менга ҳамроҳ бўлиб борган йўловчи аёл бир воқеани ҳикоя қилиб берган эди. Уларнинг қишлоғи тоғлар орасида жойлашган экан. У ердаги мактабда беш-олти ўқитувчи ишларкан. Улар орасида ниҳоятда билимли, математика фанини жуда чуқур биладиган бир ўқитувчи бор экан. Унинг ёши қирқлар атрофида бўлиб, хамкасблари жуда ҳурмат қилишар экан.

Бу муаллим аввал қайсидир институтда ишлаган, нима масалададир раҳбарлар билан келишолмай кетиб қолган экан. Шаҳарда қолган оиласидан онда-сонда хабар олар, умуман доимо мактабда бўларкан. Бўш пайтларида бир синфга кириб олиб, доскани тўлдириб, қоронғу тушгунча мисол ечаркан. Бир куни кеч кириб атрофда чироқлар ёнса ҳам ўқитувчи синфдан чиқмасмиш. Бундан ажабланган қоровул чол синфхонага кириб, пайпаслаб чироқни ёқибди. Қарасаки, муаллим столга бошини қўйиб, қўлида бўр чангаллаганча ўлиб ётарди. Унинг юрак хуружи тутган, аммо атрофида ҳеч ким йўқ. Ёрдам беришнинг иложи бўлмаган экан, дея ҳикоясини тугатган эди ҳамроҳим.

Баъзилар муаллимликни осон касб деб биладилар. Ҳаттоки, ўз соҳасида иш тополмаганлар: «Мактабдан бешолти соат дарс олсаммикана?»^ деб юрганини эшитганман. Наҳотки, бола тарбиясига, инсон тақдирига шу қадар бефарқ қаралса, юзаки ўйланса! Ахир, инсон ҳаёти, тақдири кўп жиҳатдан муаллимлар қўлида эканлиги ҳеч кимга сир эмас-ку. Мактабда яхши ўқиган ўқувчи ўқишда, ишда, умуман, ҳаётда қийналмайди. Ўз касбининг устаси бўлган ўқитувчи ўқитган синф билан нўноқроқ ўқитувчи ўқитган синф орасида катта фарқ бор. Мен буни ўз иш тажрибамдан яхши биламан. Тўққизинчи синф ўқувчиларидан сўрайман. Севимли шоиримиз Абдулла Ориповнинг «Ўзбекистон» достонида «Жалолиддин самани бўлиб, сакраб ўтдинг Амударёдан. Сенсан ўша саманим маним, Ўзбекистон Ватаним маним» деган сатрлар бор. Ким таҳлил қилиб беради? Бирданига бир неча қўл кўтарилади. Бўйчангина қиз бийрон-бийрон жавоб бера бошлайди: «Жалолиддин Муҳаммад Хоразмшоҳнинг ўғли, Чингизхон Ўрта Осиёни босиб олгач, Жалолиддин Чингизхонга қарши узоқ вақт курош олиб боради. Охири Чингизхон уни тирик тутишга буйруқ беради. Лекин душманга асир тушишни ор билган Жалолиддин Амударёнинг тор ўзанидан оти билан сакраб ўтиб қочиб қутилиб кетади. Шоир қанчадан-қанча машаққатларни енгиб келаётган халқимиз шиддатини Жалолиддиннинг саман оти шиддатига ўхшатади». Ўқувчи достоннинг қолган мисраларини ёддан ўқий бошлайди. Дилинг яйраб кетади. Синф сув қуйгандек жим, фақатгина достон ўқиётган қизнинг шалоладек жўшқин овози. Дунёда сендан бахтиёр одам йўқ. Ахир, кечагина «р» ҳарфини бурро айтолмаган ўқувчи бугун бутун бошли достонни ёд ўқимоқда, таҳлил қилмоқда. Муаллимлик бахти шу эмасми?

Навбатдаги соатда бошқа тўққизинчи синфга кирасиз. Худди бояги режа бўйича саволлар берилади. «Жалолиддин ким?» Ҳамма жим. Бирор ўқувчи қўл кўтармайди. Бошлар ҳам. Танангдаги бутун қон гуп этиб миянгга урилади. Кўз олдинг қоронғулашиб, ўзингни нохуш сезасан.Тилинг калимага келмайди. Йиғлагинг келади. «Наҳотки ҳеч ким билмайди?» У ер-бу ердан ғўнғиллаган овоз эшитилади:

— Бизга ўқитувчимиз буни ўтмаган.

— Биринчи эшитишимиз.

— Ўқитувчимиз дарсга кириб, ёзма иш текширарди. Дарс ўтмасди...

Дунёда сендан бахтсиз одам йўқ. Муаллимлик тириқчилик манбаига айлантириладиган касб эмас. Муаллимлик ижодкорликдир. Ҳақиқий муаллим ўз ўқувчилари билан мулоқотда бўлар экан, енгил тортади. Гапирадиган гапи кўп бўлади. Суҳбат ҳатто танаффусларда ҳам, кўчаларда ҳам давом этади. Ўқув-тарбия ишлари бўйича директор ўринбосари ёнида ёшгина муаллимнинг жиғибийрон бўлаётганини эшитиб қолдим.

— Нега дарсимни еттинчи соатга қўйдингиз? Ўқувчилар чарчайди, ҳатто баъзилари кетиб қолади. Мақсадимга эришолмайман.

Кексароқ ўқитувчи унинг гапини бўлади:

— Менинг иккинчи соатдаги дарсимни алмаштириб олақолинг. Менга фарқи йўқ.

Ҳа, мана иллат қаерда. Баъзи ўқитувчиларимизнинг фарқсизлиги ўқитувчилар обрўсига путур етказмаяптими?

Бошланғич синфда ўқиб юрган пайтларимиз ўқитувчиларни илоҳий, пок инсонлар деб билардик. Улар шу қадар покизаки, оддий инсонлардан бошқачароқ яшайди, ҳатто овқат ҳам емайди, деб ўйлардик. Бир куни қарасам, ўқитувчилар хонасининг эшиги очиқ, тўғрида муаллимимиз чой ичиб ўтирган экан. Ёнимдаги дугонамга қараб:

— Ие, ўқитувчимиз ҳам чой ичаркан, — дедим ҳайрон бўлиб.

Болаликнинг узуқ-юлуқ хотиралари ичра фақат энг яхши ўқитувчиларим сиймоси ялт этиб жонланади. Ана, биринчи ўқитувчим Гавҳар опа саккизинчи мартга гул совға қилганим учун пешонамдан ўпиб: «Сен шоира бўласан, кўнгли гулдек нозик қизсан!» — демоқда. Ана, қаттиққўл, бизга шеър ёдлатиб чарчамаган, юракларимизга ҳам шеър бўлиб кирган адабиёт ўқитувчиси Мейли Орипов. У менинг биринчи ёзган шеърларимга баҳо бермоқда. Унинг ўткир нигоҳи ҳозир ҳам мени таъқиб қилаётгандек.

Ўқитувчининг бир оғизгина сўзи ўқувчига илҳом бериши, унда ўзига нисбатан ишонч ҳосил қилиши мумкин.

Дорилфунунни битириб, янги ишга келган йилларим, менга еттинчи синф раҳбарлигини беришди. Синфимизда доимо маъюс юрадиган бир бола бор эди. Мен унинг оилавий ҳаёти билан пахта йиғим-терими бошлангандан кейин яхшироқ танишдим. Синфдошларининг гапига қараганда унинг ўгай онаси жуда баджаҳл, ҳатто нонни ҳам ўлчаб бераркан. Уйига бир неча марта боргач, бунга ўзим ҳам ишонч ҳосил қилдим. Пахтага чиққан пайтларимиз уни болаларга сув тарқатувчи қилиб қўйдим. Баъзан сумкамга олиб борган у-бу нарсалар билан иккаламиз чой ҳам ичардик. Бола менга жуда ўрганиб қолди. Баъзи пайтлар уйимга ҳам келиб, соатлаб ўтириб дарс тайёрлаб кетадиган бўлди. Лекин орадан кўп ўтмай отаси уни шаҳардаги спорт-интернат мактабига жойлаштириб қўйди.

Яқинда ўқитувчилар куни арафасида эшик тақиллаб қолди. Чиқсам, нотаниш бир йигит қўлида бир даста гул билан кулиб турибди. Танимадим. Танимаганимни сезиб:

— Яхши дарсларингиз етмагандек, шоколадлар бериб боққан ўқувчингизни танимадингиз, устоз? — деди у.

Э... э танидим, энди аниқ танидим! Бу ўша менинг маъюсгина юрадиган ўқувчим эди.

Муаттар гулнинг хушбўйи димоғимга гуп этиб урилди. Мен бахтиёр эдим.

Бўстон РАҲМОНОВА,
Ўзбекистон халқ ўқитувчиси.

Абдувосит ҲАЙДАРОВ олган сурат.

● *Такрор мутолаа*

Бу сафар «Такрор мутолаа» рукнида Ўзбекистон халқ ёзувчиси Шукур Холмирзаевнинг «Олма емадим» номли кичик ҳикоясини эътиборингизга ҳавола қилмоқдамиз. Албатта, бу ҳикояни аввалари ҳам ўқигансиз. Бу галги мутолаангиз ҳам янада янги таассуротлар беришига ишонамиз.

Шукур ХОЛМИРЗАЕВ

Олма емадим

Тоғдан қайтиб келаётган эдик. Мен, яна учта ошнам. Ҳаммамиз эшакдамиз. Ола Чопон қишлоғига кирдик. Одамлари янги ерларга кўчиб кетиб, уйлари ҳувиллаб қолган. Томлари бузилиб, ёғочлари ҳам ташиб кетилган. Мол ўтмайдиган баландликдаги деворлари ҳам нураган, боғ ичидаги олма ва тоғолчалар эса пишиб ётибди.

Сой ёқалаб, деворларнинг ёнидан бораётган эдик. Ошналаримнинг бири — шўх, шум, тиқмачоқдай Ҳабибулла:

— Пича олма олмаймизми? — деб қолди. Таклиф бошқаларга ҳам маъқул бўлди. Эшаклардан тушдик.

— Хуржунларни олинглар. Уйга ҳам элтамиз.

Бу таклиф ҳам бошқаларга маъқул бўлди. Хуржунларни олиб, бири елкасига ташлади, бири билагига осди. Мен эсам, эшагимнинг калта ёлидан ушлаб, уёқ-буёққа қараб туравердим. Нима бўлса ҳам, бу иш — ўғирликда...

— Ҳа? — деди Ҳабибулла.

— Мен эшакларга қараб тураман, — дедим.

— Эшакларни бўри ейдими, юравер.

— Боргим келмаяпти...

— Эриняпсанми? — деди Мўмин.

— Йўқ...

— Бировнинг нарсасига тегишни ёмон кўради бу киши, — деди кесатиб Ҳабибулла, сўнг бир шумликни ўйладими, тиржайди:

— Кўрамиз ҳали, кўрамиз...

— Ҳа, ёмон кўраман, — дедим мен. — Бормайман.

Ҳабибулла бошлиқ болалар тош девордан ошиб, қовжираб ётган ўт-ўлан ичига тушишди. Кейин сакраб-сакраб олмазорга кириб кетишди. Мен, ўтлар ичида илон-пилон йўқмикин, деб уларнинг ортидан қараб турдим. Кейин эшагимнинг нўхтасига боғланган қилчилвирни оёғим остига босиб, тошга ўтирдим. Сой ўртасидаги сувдан холи ерда ўсиб, харсанглар устига ёйилиб ётган ёввойи узумни, қишлоқ уйларини томоша қилдим.

Девор ортида ўт шитирлади. Ўрнимдан турдим. Ошналарим хуржунларининг кўзини тўлдириб, биттадан олмани тишлаб илжайиб келишарди. Бирин-кетин менга кўз қири билан қараб, девордан ўтишди.

Ҳабибуллага қараганда Мўмин менга якинроқ. Қўшни бўлмасак ҳам, бирга юрамиз. Мактабда пряник олсак, бўлиб еймиз. У хуржунини эшагига ортаркан, бир палласини очди.

— Ол, пахтасеб.

— Емайман, бу ўғирлик, — дедим. Пахтасеб — олманинг бир тури. Кичкина, сарғиш бўлади. Лекин, жуда мазали, сершув.

Жўнадик.

Йўл тор: бир томон девор, бир томон сой. Тизилиб кетяпмиз. Орқада мен. Олдинда Ҳабибулла. Шартлашиб олишганми, бараварига олма тишлашади. Пўчоғини бўлса, олдинга чўзилиб, эшакларининг оғзига солишади...

Сой биздан узоқлашиши билан, эшагимни ниқтадим. Олдинга ўтдим. Қаршимизда Жирғоти деган довон бор. Баландлиги уч километрча келади. Эшакнинг елкасини халачўпнинг учи билан қитиқлаб, ҳайдайвердим. Кун қизиб келаётганди. Майли, бир оз юрай, кейин эшакдан тушаман. Арчазор бошланади. Соясидан кетавераман.

Бир пайт орқадан Ҳабибулла:

— Буёқдан борамиз, — деди.

Қарасам, эшагини довоннинг битта ҳам тиккайган дарахти йўқ яланг томонига буряпти.

— Нима қиламиз буёқдан юриб?

— Овул бор, қатиқ ичамиз.

Қатиқ... қатиқдан ким юз ўгиради? Ҳадемай кун қизиб кетади.

Индамай, эшакни изига қайтардим. Улар яна олдинда, мен орқада. Яна улар олма еб, пўчоғини эшакларининг оғзига тиқиб боришяпти.

Довоннинг ярмигача бордик. Лекин овулдан дарак бўлмади. Чанқай бошладим... Кун қизиб кетди. Теваракда сув деган нарса йўқ...

— Овул қани? — дедим Ҳабибуллага хўмрайиб қараб.

— Йўқ, кўчиб кетишибди, — деди у бепарво ва қарсиллатиб яна битта пахтасеб олмани тишлади. Рости, оғзимнинг суви келди.

Довоннинг тепасига етишимизга беш юз қадамча қолганда ҳолдан тойдим... танглай ўлгур қуриб, тилим оғзимда айланмай қолди. Улар бўлса, ҳамон пишиллаб, олма ейишади.

Эшакка ўрнашиб ўтирган киши бўлиб, Мўминга қарагандим, унинг юзидан менга ачинганини пайқаб қолдим. Дарҳол кўзимни қисдим. Бир майизни икки бўлиб ейдиган Мўмин дўстим фикримни пайқади. Аста-секин эшаги менга яқинлашиб келди.

Мўмин биқинимга туртди. Унга қарамай, орқа чўнтагимни ковлаётган кишидай, қўлимни секин узатдим. Муздаккина, силлиқкина олма қўлимга тегди. Шартта чангаллаб олдим-да, ҳеч нарса бўлмагандай, эшакни ҳайдайвердим. Аъзойи баданим билан Ҳабибулланинг кулгисини, таъналиф бошқаларга ҳам маъқул бўлди. Эшаклардан тушдик.

— Хуржунларни олинглар. Уйга ҳам элтамиз.

Бу таклиф ҳам бошқаларга маъқул бўлди. Хуржунларни олиб, бири елкасига ташлади, бири билагига осди. Мен эсам, эшагимнинг калта ёлидан ушлаб, уёқ-буёққа қараб туравердим. Нима бўлса ҳам, бу иш — ўғирликда...

— Ҳа? — деди Ҳабибулла.

— Мен эшакларга қараб тураман, — дедим.

— Эшакларни бўри ейдими, юравер.

— Боргим келмаяпти...

— Эриняпсанми? — деди Мўмин.

— Йўқ...

— Бировнинг нарсасига тегишни ёмон кўради бу киши, — деди кесатиб Ҳабибулла, сўнг бир шумликни ўйладими, тиржайди:

— Кўрамиз ҳали, кўрамиз...

— Ҳа, ёмон кўраман, — дедим мен. — Бормайман.

Ҳабибулла бошлиқ болалар тош девордан ошиб, қовжираб ётган ўт-ўлан ичига тушишди. Кейин сакраб-сакраб олмазорга кириб кетишди. Мен, ўтлар ичида илон-пилон йўқмикин, деб уларнинг ортидан қараб турдим. Кейин эшагимнинг нўхтасига боғланган қилчилвирни оёғим остига босиб, тошга ўтирдим. Сой ўртасидаги сувдан холи ерда ўсиб, харсанглар устига ёйилиб ётган ёввойи узумни, қишлоқ уйларини томоша қилдим.

Девор ортида ўт шитирлади. Ўрнимдан турдим. Ошналарим хуржунларининг кўзини тўлдирдим. Танаффусдан олинган, шартли равишда "Ўч" деб номланган драмасини ёдга солади. Чунки мазкур асар ғояси, образлар тизими орқали ҳам "Бой ила хизматчи"га яқин туради.

"Бой ила хизматчи" биринчи марта 1918 йилнинг июль ойида Ҳамзанинг сайёр труппасида қўйилганди. Маннон Уйғур 1920 йилнинг январида пьесанинг тузатилган вариантини қайта саҳналаштирган.

1938 йил Ҳамза вафотининг 10 йиллиги муносабати билан мазкур асарнинг янги саҳна варианти юзага келди. Драмаларнинг кейинги тақдирини белгиловчи етук режиссёр Етим Бобожонов саҳналаштирган варианти ҳосил бўлди. Бу ҳақда Комил Яшин 1939 йили эълон қилинган мақоласида шундай ёзади: "Ҳамза Ҳакимзода юбилейини ўтказиш комиссияси "Бой ила хизматчи" драмасини саҳнага тайёрлашни менга топширган эди. Бу асар инқилобнинг биринчи йилларида саҳнага мослаштирилиб, кичик ҳажмда, озгина киши иштирок этадиган қилиб ёзилганди. Бу табиий ҳол эди. Асарни ҳозирги вақтда гуллаб ўсиб бораётган артистларга эга театрларимизнинг талабига мувофиқ кенгайтириш керак эди. Мен бу нарсани ўташда Ҳамзанинг ўзига суяндим..."

1939 йилда мазкур асарнинг иккинчи умри бошланди. Пьесанинг тақдири, тарихи билан боғлиқ воқеалар жонкуяр адабиётшунос Сотти Ҳусайннинг кўз олдида содир бўлганди. "Бой ила хизматчи"нинг бу варианти ҳақида унинг эътирозли муносабатлари баён қилинмаган. Ваҳоланки, унинг Ҳамза тўғрисидаги китоби 1940 йилда нашр этилган.

Ҳамза ижоди билан алоқадор илмий хулосалар, ада-биётшунос Сотти Ҳусайн, Иззат Султон, Лазиз Қаюмовларнинг илмий кузатишлари ва хулосалари билан бевосита боғлиқдир.

Мунаққиднинг машаққатли меҳнати, ажойиб тадқиқотлари узоқ йиллар халқимиз маънавиятига хизмат қилишига ишонамиз.

1965 йил.

Гоффор МЎМИНОВ,
филология фанлари доктори.

Адабиёт фидойиси эди

Ўзбек адабиётшунослиги XX асрда мураккаб, зиддиятли даврларни босиб ўтди. Бу, айниқса, аср бошидаги Октябрь тўнтаришидан сўнг янада муаммоли тус олди. Сиёсий вазият адабиётшуносликка ҳам зарба берди. Ижодкорларни инқилоб куйчиси ёки миллатчи дея гуруҳларга ажратиб ўрганиш нохолис баҳоланишни келтириб чиқарди, бу эса бадиий ижод жараёнига салбий таъсир кўрсатгани, шубҳасиз.

Шундай бўлса-да, халқнинг орзу-ниятлари, тинчлиги, эркин яшашини тараннум этган кўплаб янги асарлар пайдо бўлди. Танқидчилар уларни таҳлилий жиҳатдан чуқур ўрганиб, адабиётшунослик ривожига ҳисса қўшишга ҳаракат қилишди.

Истеъдодли адабиётшунос Сотти Ҳусайн ана шундай мураккаб ва кейинчалик баҳс-мунозарага сабаб бўлган илмий фаолиятни олиб борган эди.

Сотти Ҳусайн адабиёт майдонига 30-йилларда кириб келди. У матбуот саҳифаларида Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий ижодига бағишланган таҳлилий мақолаларини чоп эта бошлади. Адабиёт соҳасида бир-бирига зид қарашлар юзага келган бир пайтда у Ҳамза ижодини баҳолаш, таҳлил этишни янгича бир йўсинда олиб борди.

У 30-йилларнинг иккинчи ярмидан бошлаб Ҳамза ижоди билан изчил шуғулланди. 1939 йил Ҳамзанинг "Танланган асарлар"ига ёзган сўзбошисида шоир ижодини илмий асосда ўрганиб, ундаги ижтимоий ғояларни, ҳалқчиллик мотивларини замон адабиёти нуқтаи назаридан таҳлил қилди. Узоқ ва пухта изланишлари натижасида 1940 йилда "Ҳамза Ҳакимзода" номли монографияси юзага келди. Бу — адиб ижоди борасидаги дастлабки йирик тадқиқот эди.

Асарда мунаққид "Бой ила хизматчи", "Заҳарли ҳаёт", "Миллий роман" асарларини илмий баҳолайди ва таҳлил қилади. Сотти Ҳусайннинг "Миллий ашулалар учун миллий шеърлар мажмуаси", "Майсаранинг иши", "Туҳматчилар жазоси" асарлари ҳақидаги илмий мушоҳадалари бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ.

Бундан чорак аср муқаддам Сотти Ҳусайн адибнинг "Жаҳон сармоясининг охирги кунлари"ни замонавий асар сифатида таҳлил этиб, унинг аҳамияти ҳақида эҳтирос билан ёзган эди. Бироқ кейинчалик уни нашр этиш ёки этмаслик устида айрим адабиётшунослар тортишиб келдилар. 1989 йилдагина адабиётшунос олим Наим Каримовнинг қатъияти билан Ҳамзанинг тўла асарлари эълон қилинди. Сотти Ҳусайн Ҳамзанинг "Бой ила хизматчи" асари ҳақида шундай ёзади: "Ҳамза билан бирга бўлган ўртоқларнинг маълумотига кўра, Ҳамза бу асарини инқилобдан илгари ёзишга киришиб, анчасини тугатган. Инқилобдан кейин бу асарни яна ҳам кенгайтириб ёзади". Бу фикрлар беихтиёр Шарқшунослик институтининг Ҳамза фондида сақланаётган, дам четга сурилиб, дам тилга олинган, шартли равишда "Ўч" деб номланган драмасини ёдга солади. Чунки мазкур асар ғояси, образлар тизими орқали ҳам "Бой ила хизматчи"га яқин туради.

"Бой ила хизматчи" биринчи марта 1918 йилнинг июль ойида Ҳамзанинг сайёр труппасида қўйилганди. Маннон Уйғур 1920 йилнинг январида пьесанинг тузатилган вариантини қайта саҳналаштирган.

1938 йил Ҳамза вафотининг 10 йиллиги муносабати билан мазкур асарнинг янги саҳна варианти юзага келди. Дра-

Хусанбой АВВАЛОВ олган сурат.

Жажжи истеъдодлар.

● *Муштарий илҳоми*

Газетхонларимиз орасида шеъриятга меҳри баланд, адабиётни дилдан севган кишилар кўп. Улардан тез-тез мактублар олиб турамиз. Сирдарё вилояти Музрабод тумани бошланғич партия ташкилоти котиби Абдували Ғойибназаров ҳам ўй-хаёлларини ён дафтарига шеърий тарзда қоралаб қўяр экан. Унинг дил номасидан бир парчасини сизларга илиндик.

Мавж урди ҳар жабҳада истиқлол деган бир шон

Абдували ҒОЙИБНАЗАРОВ

Нотинч замонда қуёш нури ҳам шамча бўлмас,
Дарё, денгизлар суви кўздаги намча бўлмас.
Минг йилликларга гувоҳ осмонўпар чинорлар
Дардларининг залвори эл кўрган ғамча бўлмас.

Бўлмас ёруғ оламда она меҳридек меҳр,
Ўзга элнинг ҳотами танти деҳқонча бўлмас.
Жанггоҳ бўлиб топталса, таланса она замин
Еру осмон ораси дўппинг отганча бўлмас.

Кирмас экан беизн товонингга бир тикон,
Ҳар ким унинг заҳрини тотиб кўрганча билмас.
Қафасда ҳам ён бермас ёввойи, йиртқичлар бор,
Уларнинг тилин ҳеч ким ўзбек чўпонча билмас.

Ўн саккиз минг оламнинг сарварига кўп шукур,
Одамга озод юртдан яхшироқ макон бўлмас.
Мавж урди ҳар жабҳада истиқлол деган бир шон,
Яхши яшамоқ учун бундан зўр имкон бўлмас.

* * *

Бу дунёда боғлар кўп, Боғи Эрам бўлолмас,
Қизил гули бўлмаса, гулзор чаман бўлолмас.
Ҳуснини кўз-кўз қилиб бўй таратган гуллар кўп,
Жами гуллар йиғилиб ялпиз, райҳон бўлолмас.

Кечроқ экилган экин барвақт ҳосил бермайди,
Ниҳол тилини билмай, ҳеч ким боғбон бўлолмас.
Саҳрода дон ундирган пухта ғаллакорлар бор,
Камин ҳаводан кўрган яхши деҳқон бўлолмас.

Ёшликнинг шижоати ҳамдам эмас ҳамиша,
Одам қадрига етмай, одам одам бўлолмас.
Улфатлар ҳам кўп бўлур давлатингнинг борида,
Қариндош бўлар, аммо бир қадрдон бўлолмас.

Сафга қўшилмоқ ихлос, усиз имон яримдир,
Битта ибодат билан чин мусулмон бўлолмас.
Бемор одам кўп бўлур табиб нобоп овулда,
Юрт ҳокини ўпмаган асл ҳоқон бўлолмас.

ДИАРЕЯ

Диарея ўткир юқумли ичак касаллиги ҳисобланиб, ёз, куз ойларида кенг тарқалади. Касалликни қўзғатувчи микроблар сувда, ювилмаган мева-сабзавотларда, болалар ўйинчоқларида учрайди ва организмга асосан оғиз орқали тушади.

Диарея дармон қуриши, иштаҳа бўғилиши, тана ҳарорати кўтарилиши, қайт қилиш ва ич кетиши каби белгилар билан кечади. Бу касаллик болалар учун бироз хавфли. Болада юқорида келтирилган белгилар билан бирга жуда қаттиқ чанқаш, кўзларининг ичига ботиши, бўшашиш кузатилса, шифокорнинг шошилинч ёрдами керак бўлади. Бу пайтда болага ичиладиган регидратацион туз (ИРТ) эритмаси ёки бошқа ичимликлар бериш керак. Унинг организмида диарея батамом бартараф бўлмагунча имкон борича кўпроқ суюқлик бериб туриш зарур. Шу билан бирга турли қайнатма шўрвалар, қайнатилган гуруч суви, янги мева шарбатлари, суюқ дамланган ним ширин чой ва оналарнинг касаллик ҳолатида фарзандларини тез-тез эмизиб туришлари тавсия қилинади.

Маълумки, касалликни даволашдан кўра олдини олган осон. Диареянинг олдини олиш учун эса, биринчи навбатда шахсий гигиена қоидаларига риоя қилиш шарт. Сабзавот ва меваларни яхшилаб ювиб истеъмол қилиш, сувни қайнатиб ичиш, ошхона, идиштовоқларни тоза сақлаш, пашша ва бошқа ҳашаротларга қарши кураш олиб бориш, очиқ сув ҳавзаларини ифлослантирмаслик кабиларга риоя этиш зарур. Гарчи улар жуда оддий амаллардек кўринса-да, касалликнинг олдини олишдаги асосий тадбирлардир. Касалликнинг белгилари кузатилган пайтданоқ шифокорга мурожаат қилиш мақсадга мувофиқ. Зеро, оддий бепарволик, озгина лоқайдлик ёмон оқибатларга олиб келиши мумкин.

«МТ» шифохонаси

Донохон ҚАМАРИТДИНОВА, Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети талабаси.

ТАМАКИ ЧЕКАСИЗМИ?

Тамаки чекиб юрган кишилар ёшлигидан ҳар хил касалликларга гирифтор бўладилар. Кашандаларда йўтал, ўпка сили, ошқозон-ичак яраси, ориқланиш, кўз нурининг камайиши ва рак касалликларига чалиниш хавфи катта бўлади. Киши ичиш ва чекишни ташламаса, барча ҳаёт ҳодисаларини унга янгидан очиб берувчи ақлнинг тиниқлигини йўқотиб боради.

Ж.Пти ва бошқа француз олимларининг маълумотларига кўра етук ёшда ўпка силига чалинган юзта беморда 95 таси чекувчилар ҳисобига тўғри келади. Кунига бир қутидан сигарет чекадиган кашандалар ўз умрини 5 йилга, икки қути чекадиганлар эса 15 йилга қисқартиради. "Агар одамлар чекмай қўйсалар,— дейди машҳур инглиз олими Дэкард Дан,— у ҳолда рак касалликларининг ўсиш даражаси уч ҳиссага камайган бўлар эди. Ўпка ва нафас йўлларининг баъзи касалликлари амалда бутунлай йўқолар, юрак касалликлари оқибатидаги ўлим эса тўрт ҳиссага камаяр эди."

30 йил рентгенолог бўлиб ишлаган кишидан "Соғлом одамнинг ўпкаси рентгенда қандай кўринади?"— деб сўрашди.

— Соғлом одамнинг ўпкаси рентгенда худди яшнаган, кўмкўк майсаларга бурканган водийга ўхшаб кўринади. Узоқ йиллар тамаки чеккан одамнинг ўпкаси худди чақир тошлар билан тўлиб-тошган, қурум босган тошлоққа ўхшайди,— деди у.

Никотин қон томирларини, айниқса, юракни қисиши стенокардия касаллигига мубтало қилади. В.Солоковский деган олимнинг фикрича, ҳомиладор аёл чекканда унинг ҳомиласи бошқа нарсадан эмас, балки никотин туфайли кислород етишмаслигидан нобуд бўлади.

Саодат МУСАЕВА тўплади.

Туйғулар куйчиси

Шаҳри шуаро деб ном чиқарган Хўқанди латифнинг номи азал-азалдан ўзининг фозилу адиблари, шоиру санъаткорлари билан машҳур.

Назмда ўз овози билан бир неча йиллардан бери қалам тебратиб келаётган ҳамшаҳрим Гулбаҳорнинг шаҳар, вилоят ва республика рўзномалари саҳифаларида босилаётган шеърларини кузатиб қувониб келаман. Гулбаҳорнинг шеъриятда ўз сўзи, ўзи бор. Шу боис унинг шеърлари эл суйган ижодкорлар назарига тушганлиги бежиз эмас.

Яқинда "Янги аср авлоди" нашриёт-матбаа маркази шеърият мухлисларини Муқимий номидаги Қўқон Давлат педагогика институти ўқитувчиси, шоира Гулбаҳор Саид Ғани қаламига мансуб бўлган "Барибир бахтлиман" номли янги шеърий тўплам билан хушнуд этди. Тўпламдан шоиранинг кейинги йилларда ёзилган сара шеърлари жой олган. Муҳаббат, садоқат, вафо юракдан тараннум этилган.

Одатда, баҳор келиши билан она табиат уйғонганидек, табиат гултожи бўлмиш инсон ботинидаги ҳис-туйғулар ҳам уйғона бошлайди. Шеър эса ана шу ҳис-туйғуларнинг гўзал ифодачисидир. Бундай паллада шоирлар нигоҳи яна-да тийранлашади.

Шоиранинг ушбу сатрларига эътибор беринг-а!

Мен сени қанчалик соғинганлигим
Маъюс далаларга шивирлаб айтдим.
Ҳар битта товушим садоси, лекин
Тоғлардан, тошлардан қуй бўлиб қайтди.

Мен — энди қўшиққа айланган жола,
Қувноқ ёмғирларга қўшилиб ёғдим.
Ҳар ғунча кўнглига ғулғула сола
Баҳорнинг кўзида қайта уйғондим.

Аёл — меҳрибон она, садоқатли ёр, ҳаёт ва гўзаллик тимсоли. Гулбаҳорнинг "Куз — маъюс аёл" сарлавҳали шеърида аёлнинг ички кечинмалари чиройли ўхшатишлар орқали ўз ифодасини топган:

Куз — маъюс аёлдир, кўнгли бузилиб,
Сўрайди: яшаш-чи, у нима?!
Шу ерда овозлар қолар бўғилиб:
Сен бундан сўз очма, индама...

Шоиранинг кўпгина шеърларидаги ижтимоий мазмун билан бадиийлик бир-бирини безайди, қувватлайди. Гулбаҳорнинг юрак титроғида битилган сатрлари, туғёнли қалб садолари, ўзининг тоза руҳи, жўшқин эҳтиросларга йўғрилганлиги билан кўнгилларни ром этади.

Коммуна ОЛИМОВА, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.

РАШКНИНГ ОҚИБАТЛАРИ

Бундан етмиш йил олдин Наполеон Бонапартнинг жияни Франция императори Наполеон III дунёдаги энг гўзал аёлни — Тебск графининг қизи Мария Евгения Игнасия Августина де Монтихони севиб қолди ва унга уйланди.

Наполеон ва унинг рафиқасида саломатлик, бойлик, тожу тахт, шон-шуҳрат, муҳаббат, хуллас, бахтиёр бўлиш учун ҳамма нарса бор эди.

Лекин афсуски, тез орада муқаддас севги гулхани миллиллаб қолди ва ўча бошлади. Наполеон Евгенияни малика қила олди, лекин бу аёлни ҳеч нарса эрини рашк қилишдан тўхтата олмади.

У рашк ўтида куйиб, шубҳалар ич-этини еб, эрининг буйруқларини назарга илмас, бир дақиқа ҳам уни ёлғиз қўймас эди. Давлат ишлари билан банд бўлганда ҳам кабинетига бостириб кириб, муҳим музокараларни бузиб қўяр эди.

Хўш бу ҳаракатлари билан Евгения нимага эришди?

Мен Е. А. Рейнхарднинг "Наполеон ва Евгения. Бир империянинг фожеали комедияси" деб номланган қизиқарли китобидан бир лавҳа келтирмоқчиман: "Шундай қилиб, иш шунга бориб етдики, Наполеон кўпинча шляпариб кийиб, орқа эшикларнинг биридан энг яқин дўсти ҳамроҳлигида кечаси ўғринча чиқиб кетадиган бўлди. У ҳақиқатан ҳам бир гўзал аёл олдига ошиқар, ёки бўлмаса, худди эски замонлардагидай, императорлар фақат эртакларда таърифини эшитадиган ғаройиб кўчаларни кезиб, бой берилган имкониятлар ҳавосидан нафас олар эди".

Ўқинг, қизиқ!

Евгенияни ўзининг рашк ва хархашалари билан эришгани мана шулар. Тўғри, у дунёдаги энг гўзал аёл эди. Аммо бетимсол гўзаллик ҳеч қачон муҳаббатни тинимсиз хархашаларнинг заҳарли нафасидан сақлаб қола олмас экан.

Дейл Карнегининг «Дунёни қўлга олай десангиз...» асаридан Шавкат Раззоқов таржимаси.

Жаҳон ҳафта ичида

ЯҚИН ШАРҚ: УРУШ ДАВОМ ЭТМОҚДА

«Хезбеллоҳ» гуруҳининг норасмий пойтахти ва таянч маркази ҳисобланган Бинт-Жабейл шаҳрида уруш ҳаракатлари авжига чиққан. Охирги кунлар мобайнида Исроил армияси Ливан ҳудудидаги 270 дан ортиқ «Хезбеллоҳ» гуруҳи таянч марказлари, офислари, ўқув марказларига ҳаводан ҳужум уюштирган.

Аммо гуруҳ вакиллари «Хезбеллоҳ» раҳбариятидан ҳеч ким зарар кўрмаганлигини маълум қилишган. Аксинча, «Хезбеллоҳ» гуруҳи расмий вакили Ҳусайн Наблусийнинг айтишича, ҳужумлардан фақатгина тинч аҳоли яшайдиган уйлар, ўлар ишлайдиган идоралар зарар кўрмоқда.

Ливан жанубидаги Сайда шаҳри шифохоналари яраланганлар, ўликхоналар жасадлар билан тўла. Сўнгги кунлар ичида ҳаво ҳужумлари натижасида 11 нафар тинч аҳоли ҳалок бўлган, 56 нафари турли даражада жароҳат олган.

Исроил ҳам жанг ва таҳлика майдонига айланган. Икки ҳафта илгари бутун дунёдан туристларни қабул қилган Хайфа шаҳри бугун ҳувиллаб қолгандек. Исроилни тарк этмаган аҳолининг аксари бомбадаг яширинадиган ертўлаларда беркинган. Шаҳар узра бир ҳафтадан буён «Хезбеллоҳ» ракеталари учиб ўтмоқда. Кўпчилик бинолар жиддий зарар кўрган. Маълумотларга кўра, бу ерда икки киши ҳалок бўлган.

«Хезбеллоҳ» гуруҳига қарши уруш ҳаракатлари 13 кундан буён давом этмоқда. Расмий Тел-Авив ҳарбий ҳаракатларни тўхтатиш шартларидан бири сифатида асирга олинган аскарларини, «Хезбеллоҳ» эса Исроил қамоқхоналаридан маҳбусларни озод қилишни талаб қилаяпти.

Хориж матбуоти саҳифаларида Бинт-Жабейл шаҳрида тўртта Исроил танки ва битта вертолёт йўқ қилингани, икки аскар ўлдирилгани, 17 таси ярадор қилингани ҳақида хабарлар тарқатилди.

КОСОВО МУСТАҚИЛЛИККА ЭРИШДИ... — ҚИСМАН!

Косово «амалдаги автономия» ғояси доирасида қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятлари фаолиятини мустақил амалга ошириш ҳуқуқини қўлга киритди.

Бу ҳақда Косово можаросини ҳал қилиш мақсадида Австрия пойтахти Вена шаҳрида бошланган навбатдаги музокара учрашувларида Сербия президенти Борис Тадич маълум қилди. «Фақатгина ташқи сиёсат ва чегарани ҳимоя қилиш масалалари Сербия тасарруфида қолади. Косово алоҳида давлатлар, шунингдек, минтақавий ва халқаро ташкилотлар билан тўғридан-тўғри алоқалар ўрнатиши мумкин», — таъкидлади Сербия президенти.

ЎТТИЗ КИШИ ЖАЗИРАМА ҚУРБОНИ БЎЛДИ

Франция ҳудуди узра ҳукм сураётган иссиқ жазирама натижасида ўттизга яқин фуқаро ҳалок бўлган. Юзага келган ҳолат мамлакатда бошланган шифокорларнинг иш ташлаши замирида янада мураккаб тус олмоқда.

Айниқса, ҳароратнинг кўтарилиб кетиши катта ёшдаги одамларга жиддий таъсир қилмоқда, уларда мавжуд касалликлар жазирама натижасида авж олмоқда. Шифохоналар иссиқдан азият чекаётганлар билан тўлган.

Франция соғлиқни сақлаш вазири Ксавье Бертран радио орқали чиқиш қилиб, талаба-шифокорлар ва нафақадаги шифокорларни ёрдам беришга чақирди.

Юзага келган ҳолат мамлакатда иш ҳақларидан норози бўлган хусусий шифохоналар хирург ва анестизиологларининг иш ташлаши замирида янада мураккаб тус олмоқда.

Ҳарорат эса борган сари кўтарилиб бормоқда. Бугун Парижда ҳарорат 36 даражага етди, баъзи бошқа ҳудудларда эса 40 даражалик жазирама кузатилмоқда.

ДУНЁ ГЎЗАЛИ АНИҚЛАНДИ

Якшанба куни АҚШнинг Лос-Анжелес шаҳрида якунланган «Дунё гўзали — 2006» танловида пуэрториколик хурлиқо Сулейка Ривера Мендоса ғолиб чиқди.

Баҳсларда 86 давлат вакиллари иштирок этишди. Эслатиб ўтиш жоизки, уларнинг ҳар бири ўз мамлакатида энг гўзал деб топилган. Иккинчи ўринни Япония, учинчи поғонани эса Швейцария мамлакатлари вакилалари қўлга киритишди. Россиялик Анна Литвинова эса кучли 20 таликка кирди, холос.

Ғолибга муносиб совғин топширилди: қиймати нақд 250 минг долларни ташкил этадиган ноёб бриллиант ва дурлардан иборат тож.

АВГУСТ — ЯРАШУВ ОЙИ

Бу ҳақдаги тегишли фармонга Чеченистон Республикаси президенти Алу Алханов имзо чекди.

Фармонга кўра, 2006 йилнинг август ойи республикада оғир жиноятлар содир этмаган ноқонуний қуролли бирлашмалар аъзолари учун ярашув ойи деб эълон қилинди.

Амнистия йилнинг охирига қадар ҳам давом этиши мумкин. Чеченистон президенти бу ҳақдаги илтимос билан марказга мурожаат қилган.

Июль ойининг ўрталарида, Шамиль Басаев йўқ қилингач, Россия Федерал хавфсизлик хизмати директори Николай Патрушев ноқонуний қуролли бирлашмалар аъзоларини қуролларини топширишга чақирган эди.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди

Муассис: «Миллий тикланиш» демократик партияси

MILLIY TIKLANISH — Миллий тикланиш — миллат келажаги

Таҳрир ҳайъати

ТЕЛЕФОНЛАР:
Қабулхона — 133-67-51
Бўлимлар — 136-58-73
Реклама ва эълонлар бўлими — 136-58-73

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.
Саҳифаловчи: Шерзод ХАЙИТМУРОДОВ
Босишга топшириш вақти 20.00
Нашр кўрсаткичи — 158

Газета 014-рақам билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма: Г — 923.
Ҳажми 2 босма табоқ.
Адади 2108
Сотувда эркин нархда

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Манзил: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Босишга топширилди 21.00